

**Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**

**5111000 – Касб таълими (5230900-Бухгалтерия ҳисоби ва аудит)
бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари**

Тошкент



СЎЗ БОШИ

1. ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Тошкент молия институти.
- Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг Касб-хунар таълими маркази.

2. ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълим йўналишлари бўйича ўкув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг 2018 йил «18» август даги 4 - сонли йигилишида маъқулланган.

3. ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги.

Мазкур малака талабни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий чоп этиш хуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигига тегишилдирилар.

МУНДАРИЖА

	бет
Т/р	
1. 5111000 - Касб таълими (5230900-Бухгалтерия ҳисоби ва аудит) бакалавриат таълим йўналишининг умумий таснифи	4
1.1. Кўлланиш соҳаси.....	4
1.2. 5111000 –Касб таълими (5230900-Бухгалтерия ҳисоби ва аудит) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг таснифи	5
2. 5111000 – Касб таълими (5230900-Бухгалтерия ҳисоби ва аудит) бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар.....	6
2.1. Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар.....	6
2.2. 5111000 – Касб таълими (5230900-Бухгалтерия ҳисоби ва аудит) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари.....	7
3. 5111000 –Касб таълими (5230900-Бухгалтерия ҳисоби ва аудит) бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фандастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар.....	8
3.1. Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар	9
3.2. 5111000 – Касб таълими (5230900-Бухгалтерия ҳисоби ва аудит) бакалавриат таълим йўналиши малака амалиётларига қўйиладиган умумий талаблар	10
3.3. 5111000 – Касб таълими (5230900-Бухгалтерия ҳисоби ва аудит) бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми ...	12

1. 5111000 – Касб таълими (5230900-Бухгалтерия ҳисоби ва аудит) бакалавриат таълим йўналишининг умумий таснифи

5111000 – Касб таълими (5230900-Бухгалтерия ҳисоби ва аудит) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи олий таълимнинг ўқув режа ва фан дастури асосида амалга оширилади, унинг назарий ва амалий машғулотларини тўлиқ ўзлаштирган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган шахсга «бакалавр» малакаси (даражаси) ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги расмий ҳужжат(лар) берилади.

Ўқув режа ва мос малака(даражаси)си ҳамда фан дастурининг меъёрий муддати 1-жадвалда ёлтирилган.

1-жадвал

Ўқув режа ва фан дастурининг муддати ҳамда битирувчиларнинг малака(даражаси)

Ўқув режа ва фан дастурининг номи	Малака (даражаси)	Ўқув режа ва фан дастурини ўзлаштиришнинг меъёрий муддати
Бакалавриатнинг ўқув режа ва фан дастури	Бакалавр	4 йил

1.1. Қўлланиш соҳаси

1.1.1. Олий таълимнинг ушбу малака талаби **5111000 – Касб таълими (5230900-Бухгалтерия ҳисоби ва аудит)** таълим йўналиши бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлаш ўқув режа ва фан дастурларининг ўзлаштирилишини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси худудидаги барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Олий таълим муассасаси мазкур бакалавриат таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлганда малака талаб асосида ўқув режа ва фан дастурларини амалга ошириш хуқуқига эга деб ҳисобланади.

1.1.3. Малака талабининг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур таълим йўналиш бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режа ва фан дастурларини сифатли ишлаб чиқиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул олий таълим муассасаларининг профессор - ўқитувчилари;
- таълим йўналишининг ўқув режа ва фан дастурларини ўзлаштириш бўйича ўқутарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари ва талabalari;
- ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув - услубий бошқарма (бўлим) бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари);
- битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация ва имтиҳон комиссиялари;
- олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;
- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;
- таълим йўналиши(таркиби)нинг бакалавриат таълим йўналишларидан бирини ихтиёрий танлаш хуқуқига эга бўлган абитуриентлар ва бошқа манфаатдорлар.

1.2. 5111000 – Касб таълими (5230900-Бухгалтерия ҳисоби ва аудит) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг таснифи

1.2.1. 5111000 – Касб таълими (5230900-Бухгалтерия ҳисоби ва аудит) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:

5111000 – Касб таълими (5230900-Бухгалтерия ҳисоби ва аудит) бакалавриат таълим йўналиши – Касб-хунар таълими муассасаларида мутахассисликка оид фанларни ўқитиш, хўжалик юритувчи субъектларда бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит фаолиятини ташкил этиш, хўжалик субъектлар фаолиятини бошқариш ишлари, илмий-тадқиқотлар олиб боришига йўналтирилган тамойиллар, усуслар ва воситалар мажмуини қамраб олади.

Йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиқсан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшишмча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

1.2.2. 5111000 – Касб таълими (5230900-Бухгалтерия ҳисоби ва аудит) таълим йўналиший йўналишлари бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объекtlари:

–касб-хунар таълими муассасалари, барча давлат ва нодавлат хўжалик юритувчи субъектлар, корхона, ташкилот ва муассасаларнинг бухгалтерияси ҳамда молиявий ресурслар прогнозлари; иқтисодий кўрсаткичлар ҳисоби ва таҳлили; муайян объекtlарни молиялаштириш манбалари; бухгалтерия ҳисоби тизими фаолияти; аудит тизими ва аудиторлик фаолияти.

Йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиқсан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият объекtlарида қўшишмча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

5111000 – Касб таълими (5230900-Бухгалтерия ҳисоби ва аудит) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолияти қўйидагиларни қамраб олади:

- касб-хунар коллежлари ўкувчилари учун иқтисодий фанлардан ўқув-услубий мажмуаларни ва ўқув қўлланмаларни тайёрлаш;
- касб-хунар таълими муассасаларида мутахассисликка оид иқтисодий фанларни ўқитиш;
- педагогик ва психологик билим ва кўникмаларни шакллантириш ва ўқув жараёнида татбиқ этиш;
- кичик мутахассисларни тайёрлаш жараёнларини таҳлил қилиш, оптималлаштириш, замонавий педагогик ва инновацион технологиялар ҳамда интерактив методларни қўллаш;
- мамлакатимиз ва чет эл мамлакатларининг бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳасига оид назарий ҳамда амалий билимларга эга бўлиш;
- бухгалтерия ҳисоби ва аудит йўналишларига доир маҳаллий ҳамда халкаро меъёрий-хукуқий ҳужжатлар билан таниш бўлиш ва ўқув жараёнида фойдалана билиш;
- таълимнинг электрон воситаларидан фойдаланиш.

1.2.3. Таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг соҳалари:

- Педагогик (ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тизимида);
- Молиявий-иқтисодий;
- Ҳисоб, таҳлил ва назорат;
- Ташкилий-бошқарув;
- Илмий тадқиқотни ўз ичига олади.

Йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиқсан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият турларида қўшишмча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

Таълим йўналиши бўйича тайёрланган бакалаврлар касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниqlанади.

1.2.4. Таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий мослашув имкониятлари

Таълим йўналиши бўйича бакалавр касб-хунар таълим муассасаларида маҳсус фанларни ўқитиши мумкин.

1.2.5. Таълимни давом эттириш имкониятлари

5111000 - “Касб таълими (5230900-Бухгалтерия ҳисоби ва аудит)” таълим йўналиши бўйича бакалавр касбий тайёргарликдан кейин:

5A110001 – Касб таълими (мутахассисликлар бўйича) магистратура мутахассислиги бўйича икки йилдан кам бўлмаган муддатда ўқишини давом эттириши мумкин.

Шунингдек, ўрнатилган тартибда мустақил тадқиқотчилик асосида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориши мумкин.

2. 5111000 – Касб таълими (5230900-Бухгалтерия ҳисоби ва аудит) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар

2.1. Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар:

- дунёкарап билан боғлиқ тизимли билимларга эга бўлиши; гуманитар ва ижтимоий-иктисодий фанлар асосларини, жорий давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиши;

- табиат ва жамиятда кечайдан жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, табиат ва жамият ривожланиши ҳақидаги билимларни эгаллаши ҳамда улардан замонавий илмий асосларда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиши;

- инсоннинг бошқа инсонга, жамиятга ва атроф мухитга муносабатини белгиловчи хукуқий ҳамда маънавий мезонларни билиши, касб фаолиятида уларни ҳисобга ола билиши;

- ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усусларини эгаллаган бўлиши, ўз касб фаолиятида мустақил асосланган карорлар қабул қила олиши;

- тегишли бакалавриат йўналиши бўйича рақоботбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;

- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишилаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;

- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тасаввур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниқтириш укув ва кўнікмаларига эга бўлиши лозим.

Бакалавр:

- таълим йўналишлари бўйича олий маълумотли шахслар эгаллаши лозим бўлган лавозимларда мустақил ишилашга;

- тегишли бакалавриат йўналишлари доирасида танланган мутахассислик бўйича магистратурада олий таълимни давом эттиришга;

- кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида қўшимча касб таълими олиш учун тайёрланадилар.

2.2. 5111000 – Касб таълими (5230900-Бухгалтерия ҳисоби ва аудит) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари

Педагогик фаолиятда (касб-хунар таълими тизимида):

- касб-хунар таълим мининг тайёрлов йўналишида назарда тутилган ўкув фанлари бўйича иктисодий фанлардан замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб назарий ҳамда амалий машғулотларни ўтказиши;

- ўкув жараёнини ташкил этиш ва ўтказилишига кўмаклашиш, тадқиқотларда иштирок этиш, маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил этиш;

- ўқитилаётган фанлар бўйича дарс машғулотларини ўтказиш учун зарур бўлган ўкув-методик ҳужжатларни шакллантириш, тузиш ва уларни тадбиқ этиш;

- бухгалтерия ҳисоби ва аудит фаолиятини ташкил қилиш, баҳолаш ва аудиторлик текширувларини ўтказишда замонавий методларни қўллаш;

–касб-хунар таълимни соҳалари фаолиятини таҳлил қилиши;

–бухгалтерия ҳисоби ва аудит фаолиятини ташкил қилиш, баҳолаш ва аудиторлик текширувларини ўтказишда замонавий методларни қўллаш;

–мустақил таълимни ижодий тадқиқот натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги методлар, воситалар ва бошқа жабҳаларда ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш *лаёқат (компетенция)га эга бўлиши лозим*.

Молиявий-иктисодий фаолиятида:

–хўжалик юритувчи субъектлар бухгалтерия ҳисоби ва аудит бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда меъёрий-хукуқий хужжатларни билиши ҳамда улардан ўз фаолиятида фойдалана олиш;

–хўжалик юритувчи субъектларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва аудит ўтказиш фаолиятини замонавий муаммолари ва хусусиятларини аниқлаши, улар фаолиятини бошқаришнинг замонавий йўналишларини ишлаб чиқиши;

–иктисодиёт субъектлари фаолияти самарадорлигини баҳолашда молиявий кўрсаткичларни ҳисоблаш усулларини қўллаш;

–иктисодиёт субъектларининг молиявий барқарорлигини ошириш ва уни ривожлантириш йўлларини ишлаб чиқиши *лаёқат (компетенция)га эга бўлиши лозим*.

Ҳисоб, таҳлил ва назорат фаолиятида билим, кўникма, малака, компетенция:

–касбий фаолият соҳаси бўйича қўйилган масалаларни ҳал қилиш учун зарур маълумотларни йиғиши, қайта ишлаш, таҳлил қилиш усулларини билиш;

–иктисодий маълумотларни таҳлил қилиш ва умумлаштириши;

–мулкчилик шаклидан катъий назар корхоналар фаолиятини халқаро амалиёт мезонлари, меъёрлари ва талаблари асосида таҳлил қилиш;

–ҳисоб-китобларни таҳлил қилиш ва ўз ечимини асослаш, молиявий ва иктиносий маълумотларни қайта ишлаш учун турли воситалардан фойдаланиши;

–молиявий-иктисодий жараёнларнинг тавсифи асосида назарий ва эконометрик стандарт моделларини яратиш, улардан олинган натижаларни таҳлил қилиш ва изоҳлаш;

–халқаро стандартлар асосида молиявий ҳисботни тузиш ва тақдим этиши;

–молиявий режалаштириш ва прогнозлаш учун бухгалтерия, молиявий ва бошқа ахборотларни таҳлил қилиш ва шарҳлаш;

–молиявий кўрсаткичларнинг ўзгариш динамикаси ва тенденцияларини таҳлил қилиш;

–аудиторлик фаолияти бўйича халқаро тажрибаларни таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиши;

–таҳлилий масалаларни ҳал қилишда замонавий ахборот технологияларидан ва техник воситалардан фойдаланиши;

–тақдим этилган лойиҳаларнинг молиявий самарадорлигини баҳолаш, уларнинг молиявий-иктисодий натижаларни таҳлил қилиши;

–илмий ҳамда ҳисоб, таҳлил ва назорат фаолияти муаммоларини чукур таҳлил қилиш, масалаларни қўйиш ва асослаш;

–молиявий ва статистик ҳисботларни тузиш ҳамда уларни шарҳлаш;

–таҳлилий масалаларни ҳал қилишда замонавий ахборот технологияларидан ва техник воситалардан фойдаланиши *лаёқат (компетенция)га эга бўлиши лозим*.

Ташкилий-бошқарув фаолиятида:

–мехнатга ҳақ тўлашни ташкил этиши ва тартибга солиши;

–бухгалтерлик ва аудиторлик фаолиятларини ташкил қилиш ҳамда бошқариш жараёнларини режалаштириш, юритиш, таҳлил қилиш ва оптималлаштириш, бухгалтерлар ва аудиторлар гуруҳи жамоасини бошқариши;

–бошқарув қарорларини қабул қилиши;

–бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш, назорат қилиш ва амалга оширилган ишнинг натижаларини баҳолаш *лаёқат (компетенция)га эга бўлиши лозим*.

Илмий-тадқиқот фаолиятида:

– илмий-тадқиқот институтлари ва илмий марказларда таълим йўналишларидағи фанлар ва уларни ўқитиш методикасига оид мавзуларда тадқиқот олиб бориш;

– интернет тармоғида энг янги илмий ютуқлар ҳақидағи маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;

– таълим йўналишларидағи фанларга оид илмий тўпламлар, маҳаллий ва чет эл илмий-тадқиқот ютуқлари билан танишиш;

– илмий-тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш, соҳа адабиётлари экспертизасини амалга оширишда катнашиш;

– маълумотларни жамлаш, қайта тайёрлаш, мавзу бўйича илмий маълумотларни тизимли таҳлил қилиш;

– тадқиқот натижалари ва ишланмаларини татбиқ этиш;

– илмий муаммолар ечими натижаларини амалиётга жорий этиш **лаёқат** (компетенция)га эга бўлиши керак.

3. 5111000 –Касб таълими (5230900-Бухгалтерия ҳисоби ва аудит) бакалавриат таълим йўналиши ўкув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

5111000 – Касб таълими (5230900-Бухгалтерия ҳисоби ва аудит) бакалавриат таълим йўналиши ўкув режаси ва фанлар дастурлари умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими билан узлуксизлик ва узвийлик таъминланишини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилиши ва талабаларнинг қўйидаги мажбурий фанлар блокларини ўзлаштиришини назарда тутиши зарур:

– гуманитар ва табиий-илмий;

– умумкасбий;

– ихтисослик;

– қўшимча.

Касб фаолияти кўникмаларини эгаллаш учун малака амалиётлари ўтилиши назарда тутилиши шарт.

Ўкув режалар мажбурий ўкув фанлари билан бир қаторда талабалар танлаган фанларни ҳам ўз ичига олиши шарт.

Бакалавриат таълим йўналиши ўкув режаси ва фанлар дастурларини ўзлаштиришда талабаларнинг ўкув фанларига оид бир қанча масалалар ва муаммолар бўйича мустақил билим олиши назарда тутилиши лозим.

Бакалавриат таълим йўналиши ўкув режасига мувофиқ равишда якуний давлат аттестацияси билан тугалланиши шарт.

3.1. Ўкув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

Гуманитар ва табиий-илмий фанлар фанлар блоки:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланадиган олий таълимнинг бакалавриат таълим йўналишлари ўкув режаларидағи гуманитар ва табиий-илмий фанлар блоки таркибиға киритилган биринчи 7 та фанга қўйиладиган умумий талаблар асосида белгиланади.

Мазкур блокнинг бошқа фанлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар:

– умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими билан узвийлик ҳамда узлуксизликни инобатга олган ҳолда билишнинг математик усуслари, эконометрика ва мураккаб иқтисодий тизимлар ҳамда жараёнларни моделлаштириш тамойиллари, информатика ҳамда ахборот тўплаш, иқтисодиётда ахборот комплекслари ва технологиялари уларни қайта ишлаш ва узатиш усусларининг жамиятдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида олий даражадаги тасаввурларни шакллантириши;

– табиий фанларнинг ўзаро фундаментал бирлиги; замонавий табиий ҳодисаларни тадқиқ этиш концепцияси; табиатдан оқилона фойдаланиш ва инсон фаолиятининг экологик

тамойиллари; табиатга путур етказмайдиган технологиялар яратиш истиқболлари ҳақидаги илмий тасаввурларни шакллантириши;

– таълим йўналиши учун зарур бўлган фундаментал фанларни чукур ўрганишнинг илмий ва назарий асосларини таъминлаши лозим.

Умумкасбий фанлар блоки:

– гуманитар ва табиий-илмий фанлар билан маҳсус фанлар ўртасида илмий ва назарий боғлиқликни таъминлаши;

– таълим йўналиши ихтисослик фанларни ўрганиш ва чукур эгаллаш учун зарур бўлган фундаментал умумкасбий назарий-амалий билим ва кўникмаларни шакллантириши;

– иқтисодий конунлар ва категориялар, иқтисодий жараён ва ҳодисалар моҳиятини тушуниш, иқтисодиётни бозор тамойиллари асосида ислоҳ қилиш механизмларини билиши;

– корпоратив бошқарув тизимида қарорларни қабул қилиш ҳамда микроиктисодиётнинг асосий категориялари, макроиктисодий кўрсаткичлар, уларни хисоблаш орқали пул-кредит, бюджет-солиқ ва ташки иқтисодий сиёсатни амалга ошириш юзасидан кўникмаларини шакллантириши;

– статистика амалиётида кўлланиладиган иқтисодий кўрсаткичлардан фойдаланиш;

– менежмент ва маркетинг асосларини билиши, функция, усул ва тамойилларини чукур ўрганиши, қарорларни қабул қилиш ва улар ижросининг назоратини олиб бориши;

– пул ва банк назарияси, амалиёти ва тадрижий ривожланиш босқичлари ҳамда истиқболини марказий банк ва тижорат банкларининг функционал мақсади ва ташкилий тузилишини билиши, актив ва пассив банк операцияларини қўллай олишибухгалтерия ҳисоби усуллари юзасидан тасаввурга эга бўлиши, ҳисоб сиёсатини юритиш ва молиявий ҳисботни тузиш кўникмаларига эга бўлиши;

– иқтисодиёт субъектларининг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш ҳамда молиявий кўрсаткичларини аниклаши;

– аудиторлик текширувани ўтказиш усулларини билиши ҳамда аудиторлик хулосаси ва ҳисботини тузиши;;

– режалаштириш, ташкил этиш, мотивациялаш ва мувофиқлаштириш, бозор ҳолати ҳақида ахборот тўплаш ва қайта ишлаш, пул, кредит, қимматли қофозлар, молия бозорлари фаолияти кўрсаткичларини таҳлил қилиш кўникмаларига эга бўлиши;

– хўжалик юритувчи субъектларнинг маблағлари, уларнинг ташкил топиш манбалари ва уларнинг иқтисодий салоҳиятини баҳолаши;

– бюджет-солиқ сиёсатининг таркиби, унинг ишлаб чиқилиши, амалга оширилиши ва асосий йўналишлари, инвестицияларни жалб қилиш ва баҳолашнинг стратегик ва тактик усуллари ҳақида тасаввурларга эга бўлиши;

– глобаллашув шароитида рақобат назариясининг замонавий тенденциялари, рақобатнинг инновацияларни татбиқ этиш, алоҳида истеъмолчилар гурухига йўналтирилганлик ҳамда концентрация стратегиялари, миллий иқтисодиёт рақобатбардошлиги ва уни баҳолаш услубияти ҳақида тасаввурларга эга бўлиши;

– шахснинг характеристи, темпераменти, қобилияти ва иқтидорига кўра, касбга доир билим, кўникма, малакани эгаллаши ва уни ривожлантириши;

– касбий педагогиканинг тадқиқот методлари, лаёқат, копetenция, касбий мотив ва мотивация, шахснинг касбий педагогик билимга эга бўлиши;

– касб таълим методикаси, иқтисодий фанларни ўқитишнинг замонавий методларидан фойдалана олиши ва иш фаолиятида қўллаш кўникмаларига эга бўлиши лозим.

Ихтисослик фанлар блоки:

– бухгалтерия ҳисоби бўйича маҳсус билимга эга бўлиши, ҳисботларни тузиш кўникмалари ва уқувларини шакллантириши;

– бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритишни ҳалқаро стандартлар стандартларга мувофиқлигини таъминланиши;

– ҳалқаро бухгалтерия ҳисобини юритилиши ўз хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда

хисоб-китоб ишларини шакиллантирилиши;

- хўжалик юритувчи субъектлар молиявий – хўжалик фаолияти ҳақидаги маълумотлар йиғиши ташкиллаштириш ва бухгалтерия ҳисобининг дастурий комплексларидан самарали кўллаган ҳолда уларнинг сифатини баҳолашни билиши;
- аудиторлик текширувни миллий ва халқаро стандартлар асосида ташкил қилиш;
- таълим йўналиши негизидаги муайян магистратура мутахассислиги бўйича келгусида таълимни давом эттиришга онгли муносабатда бўлишига кўмаклашиши лозим.

Кўшимча фанлар блоки

- таълим йўналиши талабаларнинг умумкасбий ва ихтисослик фанлари бўйича қўшимча равишда чуқур билим олишга бўлган эҳтиёжини қондириши;
- таълим сифатига қўйилаётган талаблар ва меҳнат бозори конъюктураси тез ўзгараётган шароитда бакалавриат таълим йўналишлари бўйича ўқув режалар ва фан дастурларининг сафарбарлиги ва мослашувчан бўлишини таъминланиши;
- касбий фаолият стратегияси ва тактикасини тўғри танлай олиш, касбий нуқтаи назарнинг барқарорлигини таъминлаши лозим.

Танлов фанлари:

Таълим йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиқсан ҳолда танлов фанларининг таркиби ва уларнинг мазмунига қўйилган талаблар ОТМ Кенгаши томонидан белгиланади.

3.2. 5111000 – Касб таълими (5230900-Бухгалтерия ҳисоби ва аудит) бакалавриат таълим йўналиши малакавий амалиётларига қўйиладиган умумий талаблар.

3.2. 5111000 – (5230900 – Бухгалтерия ҳисоби ва аудит) бакалавриат таълим йўналиши малака амалиётларига қўйиладиган умумий талаблар.

5111000 – (5230900 – Бухгалтерия ҳисоби ва аудит) бакалавриат таълим йўналишида малакавий амалиёт қуидаги босқичларда амалга оширилади:

- ўқув-танишув;
- ишлаб чиқариш;
- педагогик;
- битирув олди.

Ўқув-танишув амалиёти - талабаларни Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ва унинг худудий бўлинмалари фаолияти билан умумий тарзда таништириш мақсадида амалга оширилади. Хусусан, мазкур қўмитанинг бўлинмаларида фаолият юритиш кўнікмаларини шакллантириш мақсадида ўтказилади.

Бу жараён:

- Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисобини тартибга солувчи норматив-хуқукий хужжатлар;
- “Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуни;
- хўжалик юритувчи субъектларда бухгалтерия ҳисоби ва аудит бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда меъёрий-хуқукий хужжатлар;
- ўрта маҳсус, касб-хунар таълими соҳалари фаолияти;
- Ўзбекистон Республикасида ўрта маҳсус касб хунар таълимини ташкил этиш ва ривожлантириш дастурлари кўнікмаларни шакллантиришга қаратилган.

Ишлаб чиқариш амалиёти - ихтисослик фанлари блоки таркибидаги фанлардан ўтказилади. Таълим йўналиши талабаларида иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида мустақил ишлаш кўнікмаларини қарор топтириш мақсадида ўзлаштирган билимларини амалиёт билан узвий боғлиқликда мустаҳкамлашини таъминлашга қаратилган.

Ишлаб чиқариш амалиёти:

- молиявий режалаштириш ва прогнозлаш учун бухгалтерия, молиявий ва бошқа ахборотларни таҳлил қилиш, шарҳлаш ва мониторингини олиб бориш;
- бухгалтерлик ва аудиторлик фаолиятларини ташкил қилиш;

- бухгалтерия ҳисоботини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- баҳолаш ва аудиторлик текширувларини ўтказиш;
- молиявий ҳисоботларни баҳолашнинг дастурий комплексларидан фойдаланиш;
- аудиторлик рискларни аниқлаш ва уларнинг таъсирини баҳолаш ҳамда уларни бошқариш;
- хўжалик юритувчи субъектларнинг маблағ манбалари қийматини аниқлаш ва уларнинг ҳисобини юритиш юзасидан қарорлар қабул қилиш;
- хўжалик юритувчи субъектларда аудит ўтказиш билан боғлиқ муаммолар ва хусусиятларини аниқлаши бўйича кўникмаларни эгаллашига қаратилган.

Педагогик амалиёт - талабаларни касб-хунар коллажларида ўкув, ўкув-методик, ўкув-илмий-педагогик тадқиқотларни ташкил қилиш ва талабаларни мос профилдаги муассасаларига ишга жойлаштириш имкониятлари билан таништиришdir.

Касб-хунар таълим муассасаларида ўкув йилининг тўртинчи йилида ўтказилади. Касб-хунар таълим муассасаси тузилмасини, директив меъёрий хужжатларни, тайёрлов ўйналишларини, ўқитиладиган фан асосларини, муассаса тузилмаси бўйича фаолият кўрсатаётган ходимлар ишларини қузатиш, таҳлил қилиш, меъёрий хужжатларни ўрганиб, улардан амалиётда фойдалана олишни, касб-хунар коллажларидаги ўкув тарбиявий ишлар бўйича назарий ва амалий билимларни, танлаган касби бўйича олган назарий билимларини амалиётта татбиқ этишни ўрганадилар.

Битирувчи амалиёт ўташ жараёнида битирув иши мавзусига доир маълумотлар, материаллар ва бошқа манбалар базасини шакллантиради.

Педагогик амалиётни ўтказиш муддатлари ўкув режаси билан аниқланади.

Битирув олди амалиётида талаба битирув малакавий иши мавзуси бўйича илмий-назарий ишланмаларни ўрганиш жараёнида орттирган тадқиқ манбаларини амалий, статистик маълумотлар билан асослаши, инновацион иқтисодиёт ривожланиши шароитида соҳа муаммоларини аниқлаши ҳамда уларнинг аник ечимини ишлаб чиқиш кўникмасини орттириши, битирув малакавий иши мавзусига доир маълумотлар, материаллар ва бошқа манбалар базасини шакллантириши назарда тутилган.

Бунда:

- битирувчини бевосита малака талабларига мувофиқ мустақил ишлашга тайёрлаш;
- ўзлаштирган назарий билимларини чуқурлаштириш ва мустаҳкамлаш;
- жамоада ташкилотчилик ва раҳбарлик тажрибасини орттириш;
- хўжалик юритувчи субъектларда бухгалтерия ҳисобини юритиш ҳамда аудит фаолиятини ташкил этиш бўйича илмий-амалий фаолият орқали молиявий-иктисодий кўрсаткичлар динамикасини ўрганиш, таҳлил қилиш, илмий хулоса ва амалий таклифлар ишлаб чиқиш юзасидан зарур кўникмалар шакллантирилади.

Малакавий амалиётни ўташ муддатлари ўкув режаси графигида мувофиқлаштирилган. Унинг якунида талаба дастур доирасида бажарган ишлари бўйича ҳисобот тайёрлайди ҳамда кафедра таркибидан шакллантирилган комиссия олдида уни ҳимоя қиласди.

Талабанинг илмий-тадқиқот иши унда касбий компетенцияни шакллантириш ва мустаҳкамлашга кўмаклашади. Битирувчи кафедранинг илмий фаолиятида фаол иштирок этиши, курс ишлари, малакавий амалиёт мақсадли бажарилиши ва узвий равишда битирув малакавий ишининг асосий манбаси бўлишини назарда тутади.

Талабалар илмий-тадқиқот ишини ташкил этиш юзасидан қўйидаги шарт-шароит таъминланиши керак:

- илмий ишларнинг мавзулари рўйхати билан талабаларни ўз вақтида хабардор қилиш;
- кадр тайёрловчи факултет(кафедра)нинг илмий мавзуси бўйича илмий-тадқиқот ишларини бажариши учун талабаларни белгиланган меъёр даражасида таъминлаш;
- ОТМнинг ахборот ресурс марказида мустақил илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш учун зарур шарт-шароитни яратиш;
- талабалар илмий-амалий конференцияларини ташкил қилиш.

Битирув малакавий ишига қўйиладиган талаблар:

Талабаларнинг битирув малакавий иши мавзуси ОТМ буйруғи билан расмийлаштирилади.

Битирув малакавий иши мавзулари соҳанинг ривожланиш стратегияси, шунингдек, фан-технологиялар ва иқтисодиётдаги ўзгаришлар ҳамда кадрлар буюргачиларининг талабларини инобатга олган ҳолда ОТМнинг бакалаврлар тайёрловчи кафедраси томонидан белгиланади.

Битирув малакавий иш мавзулари илмий-назарий ёки назарий-амалий йўналишида бўлиши мумкин.

Битирув малакавий иш топшириғи учинчи курснинг иккинчи ярим йиллиги давомида талабалар эътиборига етказилади ҳамда мавзуларнинг танлови амалга оширилади. Битирув малакавий иши малака талабида белгилangan вакт давомида бажарилади.

Битирув малакавий ишининг мазмуни, ҳажми ва тузилмасига бўлган талаблар битирувчиларнинг якуний давлат аттестацияси ўтказиш ҳақидаги Низом асосида кафедра томонидан белгиланади.

3.3. 5111000 – Касб таълими (5230900-Бухгалтерия ҳисоби ва аудит) бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми хафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажralган ҳолда (кундузги) ўқиши шакли учун аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми хафтасига 36 соатгача қилиб белгиланиши мумкин.

Ўқишининг норматив муддати тўрт йил бўлгани ҳолда ўқув жараёни 204 хафта давом этиши зарур.

Ўқув даврининг умумий ҳажми қуидагича тақсимланади:

назарий таълим -	58,8 %;
аттестация -	8,8 %;
таътил -	15,7 %;
малака амалиёти -	14,7%;
битирув малакавий иши -	2,0%.

Назарий таълим ҳажми “Гуманитар соҳа” билим соҳасига мувофиқ фанлар блоклари бўйича қуидагича тақсимланади:

Гуманитар ва табиий-илмий фанлар	27,62 %;
умумкасбий фанлар	36,02 %;
иҳтинослик фанлар	31,02 %;
қўшимча фанлар	5,34 %.

Ўқув йилида таътил даврининг умумий ҳажми 6 - 9 ҳафта қилиб белгиланади.

Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7

ГурӯҳТ 55

ОКС 01.040.01

Таянч сўзлар:

касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йўналиши, касбий фаолият обьекти, касбий фаолият жабхаси, бакалавриатнинг асосий ўкув режа ва фан дастури (бакалавриат дастури), профиль, ўкув цикли, педагогика, педагогиканинг илмий-тадқиқот усуллари, касб таълими педагогикаси, касбий таълим дидактикаси, педагогик технологиялар, психология, касбий психология, жамият ва шахс, шахснинг индивидуал хусусиятлари, характер, темперамент, педагогик фаолият психологияси, педагогик психология, замонавий таълим бериш қонуниятлари, таълим методлари, таълим шакллари, таълим воситалари, педагогик назорат, бухгалтерия ҳисоби предмети, бухгалтерия ҳисобининг обьектлари, хўжалик жараёнлари, таъминот, ишлаб чиқариш, сотиш жараёнлари, хужжатлаштириш, инвентаризация, бухгалтерия ҳисобида баҳолаш, бухгалтерия ҳисобини счётлари, икки ёқлама ёзув, баланс, ҳисобот, актив, пассив, дебет, кредит, сальдо, молиявий таҳлил, молиявий таҳлилнинг обьекти ва субъектлари, молиявий таҳлил предмети, молиявий таҳлил усуллари, молиявий таҳлил принциплари, молиявий таҳлил турлари, самарадорлик, молиявий ҳолат ва молиявий натижа, баланс ликвидлиги, молиявий барқарорлик, тўлов қобилияти, рентабеллик, пул оқимлари, хусусий капитал, аудит, аудиторлик фаолияти, аудитнинг профессионал хизматлари, ташқи аудит, ички аудит, аудиторлик хуносаси, аудиторлик ҳисботи, аудиторлик далиллар, аудиторлик танлаш, аудитор малака сертификати, аудитнинг ахлоқий талаблари, ички назорат тизими, муҳимлик даражаси, аудиторлик таваккалчилиги.

**Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий турдош олий таълим муассасалари
хамда кадрлар истеъмолчилари**

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:

Тошкет молия институти



Ректор Н.Х.Хайдаров

201_ йил «__»

М.Ү.

КЕЛИШИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта
махсус таълим вазирлигининг Касб-
хунар таълими маркази директори

Олий ва ўрта махсус, касб-хунар
таълимини

Ривожлантириш маркази

Директор Б.Х.Рахимов

201_ йил «__»

М.Ү.

Ўзбекистон Республикаси
Бухгалтерлар ва аудиторлар
миллий ассоциацияси кенгаш
раиси

М.Тулаходжаева

201_ йил «__»

М.Ү.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта
махсус таълим вазирлигининг Касб-
хунар таълими маркази директори

М.Холмухamedov

201_ йил «__»

М.Ү.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис
институти

Ректор

М.Э.Пўлатов

201_ йил «__»

М.Ү.

Тошкент Банк коллежи

Директор

А.Махмудов

201_ йил «__»

М.Ү.

Илова

**5111000 – Касб таълими (5230900 – Бухгалтерия ҳисоби ва аудит) йўналиши бўйича
таълим дастурининг тузилиши**

T/p	Ўқув блоклари, фанлар ва фаолият турларнинг номлари	Умумий юкламанинг ҳажми, соатларда
1.00	Гуманитар ва табиий-илмий фанлар	1662
1.01	Ўзбекистон тарихи	78
1.02	Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси. Фуқаролик жамияти.	78
1.03	Фалсафа	128
1.04	Диншунослик	64
1.05	Ўзбек (рус) тили	150
1.06	Хорижий тил	356
1.07	Жисмоний тарбия ва спорт*	128
1.08	Иқтисодиётда ахборот комплекслари ва технологиялари	172
1.09	Иқтисодчилар учун математика	348
1.10	Эконометрика	90
1.11	Танлов фанлари	70
2.00	Умумкасбий фанлар	2930
2.01	Иқтисодиёт назарияси	278
2.02	Микроиқтисодиёт. Макроиқтисодиёт	224
2.03	Статистика	198
2.04	Менежмент. Маркетинг	168
2.05	Молия	198
2.06	Пул ва банклар	186
2.07	Солиқлар ва солиққа тортиш	198
2.08	Суғурта назарияси ва амалиёти	186
2.09	Инвестиция ва инновациялар	186
2.10	Молия бозори	106
2.11	Касбий психология	186
2.12	Иқтисодий фанларни ўқитиш методикаси	224
2.13	Касбий педагогика	336
2.14	Танлов фанлари	256
3.00	Ихтисослик фанлари	1560
3.01	Бухгалтерия ҳисоби	528
3.02	Аудит	264
3.03	Бухгалтерия ҳисобининг дастурий комплекслари	76
3.04	Халқаро бухгалтерия ҳисоби	76
3.05	Бюджет ҳисоби	188
3.06	Молиявий таҳлил	188
3.07	Банкларда бухгалтерия ҳисоби	76
3.08	Танлов фанлари	164
	Қўшимча фанлар	328
	Жами	6480
	Малакавий амалиёт	1620
	Битирув малакавий иши	216
	Аттестациялар	972
	Жами	2808
	Ҳаммаси	9288

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг Касб-хунар таълими маркази, Тошкент банк коллежи, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳузуридаги ривожлантириш маркази томонидан тақдим этилаётган 5111000 – Касб таълими (5230900 – Бухгалтерия ҳисоби ва аудит) бакалавриат йўналиши учун янгидан киритилаётган малака талабларига киритилаётган кадрлар истеъмолчиларининг таълим таълим йўналиши битиравчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари

Т/р	Вазирлик (идора)нинг ташкилот (корхона)лари учун кадр тайёрланаётган бакалавриат таълим йўналиши		Вазирлик (идора)нинг таълим йўналиши битиравчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари
	шифри	номи	
1	5111000	Касб таълими (5230900 – Бухгалтерия ҳисоби ва аудит)	<p>Битиравчи қўйидаги касбий компетенция ва қобилияtlарга эга бўлиши керак:</p> <ul style="list-style-type: none"> –ўрта маҳсус, касб-хунар таълим тизимининг таълим муассасаларида тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича иқтисодий фанлардан замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб назарий ҳамда амалий машғулотларни ўtkазиш; –ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўtkaziliшига кўмаклашиш, тадқиқотларда иштирок этиш, маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил этиш; –ўқитилаётган фанлар бўйича дарс машғулотларини ўtkazish учун зарур бўлган ўқув-методик ҳужжатларни шакллантириш, тузиш ва уларни тадбиқ этиш; –бухгалтерия ҳисоби ва аудит фаолиятини ташкил қилиш, баҳолаш ва аудиторлик текширувларини ўtkazishda замонавий методларни қўллаш; –ўрта маҳсус, касб-хунар таълими соҳалари фаолиятини таҳлил қилиши; –бухгалтерия ҳисоби ва аудит фаолиятини ташкил қилиш, баҳолаш ва аудиторлик текширувларини ўtkazishda замонавий методларни қўллаш; –мустақил таълим ва ижодий тадқиқот натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги методлар, воситалар ва бошқа жабхаларда ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш; –хўжалик юритувчи субъектлар бухгалтерия ҳисоби ва аудит бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда меъёрий-хуқуқий ҳужжатларни билиши ҳамда улардан ўз фаолиятида фойдалана олиш; –хўжалик юритувчи субъектларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва аудит ўtkazish фаолиятини замонавий муаммолари ва хусусиятларини аниқлаши, улар фаолиятини бошқаришнинг замонавий йўналишларини ишлаб чиқиши;

- иктисодиёт субъектлари фаолияти самарадорлигини баҳолашда молиявий кўрсаткичларни хисоблаш усулларини қўллаш;
- иктисодиёт субъектларининг молиявий барқарорлигини ошириш ва уни ривожлантириш йўлларини ишлаб чикиш;
- қасбий фаолият соҳаси бўйича қўйилган масалаларни ҳал қилиш учун зарур маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш усулларини билиш;
- мулкчилик шаклидан катъий назар корхоналар фаолиятини ҳалқаро амалиёт мезонлари, меъёрлари ва талаблари асосида таҳлил қилиш;
- хисоб-китобларни таҳлил қилиш ва ўз ечимини асослаш, молиявий ва иктиносий маълумотларни қайта ишлаш учун турли воситалардан фойдаланиш;
- молиявий-иктисодий жараёнларнинг тавсифи асосида назарий ва эконометрик стандарт моделларини яратиш, улардан олинган натижаларни таҳлил қилиш ва изоҳлаш;
- халқаро стандартлар асосида молиявий хисботни тузиш ва тақдим этиш;
- молиявий режалаштириш ва прогнозлаш учун бухгалтерия, молиявий ва бошқа ахборотларни таҳлил қилиш ва шарҳлаш;
- молиявий кўрсаткичларнинг ўзгариш динамикаси ва тенденцияларини таҳлил қилиш;
- аудиторлик фаолияти бўйича ҳалқаро тажрибаларни таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиши;
- таҳлилий масалаларни ҳал қилишда замонавий ахборот технологияларидан ва техник воситалардан фойдаланиш;
- таҳлилий масалаларни ҳал қилишда замонавий ахборот технологияларидан ва техник воситалардан фойдаланиш **компетенцияга эга бўлгани лозим.**

Тошкент молия институти
Ўкув ишлари бўйича проректори

И.Н.Қўзиев

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг
Касб-хунар таълими маркази директори

М.Холмуҳамедов

Тошкент банк коллежи директори

А.Махмудов



**5111000 – Касб таълими (5230900 – Бухгалтерия ҳисоби ва аудит)
бакалавриат таълим йўналишининг малака талабларини ишлаб
чиқилишига**

ТУШУНТИРИШ ХАТИ

5111000 – Касб таълими (5230900 – Бухгалтерия ҳисоби ва аудит) бакалавриат таълим йўналишининг малака талабларини ишлаб чиқиша кўйидаги меъёрий-ҳукукий хужжатларга асосланилди:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги “Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 343-сонли қарорига ўзгартериш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 3-сонли Қарори;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги Ҳайъат кенгашининг 2017 йил 26 апрелдаги 2/3-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли Қарори билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлар Даствури ижросини таъминлаш бўйича Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги Даствури”да белгиланган вазифалар, 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли, 2018 йил 4 июндаги “2018/2019 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг Олий таълим муассасаларига ўқишиган қабул қилиш тўғрисида”ги ПҚ-3769-сонли, 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли қарор.

Малака талабини ишлаб чиқиша бакалавриат йўналиши битирувчиларига кадрлар истеъмолчилар томонидан кўрсатилган малака талаблари ҳисобга олинган.

Олдинги бакалавриат йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми билан қиёслаганда янги малака талаби бўйича “Гуманитар ва табиий-илмий фанлар” блокнинг ҳажми 20-27 % гача, “Математик ва таббий-илмий фанлар” блоки тўлалигича қисқарди. “Умумкасбий фанлар” блокининг ҳажми 33-50 %, “Ихтисослик фанлар” блокнинг ҳажми 10-15 % дан 32% гача қўпайди. Шу билан бирга малака амалиёти муддатлари 16 ҳафтадан 30 ҳафтага оширилди ва аудитория машғулотларининг ҳафталик юкламаси 30 соатга туширилди.

Ушбу малака талаб “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг мақсади ва вазифаларининг, шунингдек Президент, Вазирлар Маҳкамасининг таълим-

тарбияга йўналтирилган қарор-фармонларини мукаммал амалга оширилишига қаратилган.

Малака талаби дастурида миллий мустақиллик, демократия, бой миллий ва маънавий анъаналар, ҳалқнинг теран интеллектуал имкониятлари ва умуминсоний қадриятлар тамойиллари ҳисобга олинди.

Малака талаби асосида таълим олувчиларда чукур билим, мустақил фикрлаш, юксак касбий малакавий қўникма шаклланиши таъминланади.

Ушбу малака талаби ҳалқаро тажриба, техника, технологиялар, фаннинг ривожланиш даражаси ва ютуқлари иқтисодий устуворлик шароитида кадрларга нисбатан ишлаб чиқариш ва амалиётда қўйиладиган талабларни ҳисобга олган ҳолда илмий асосланади.

Ўкув юкламасининг оддийдан мураккабга қараб тузилишига эришилганлиги натижасида таълим олувчиларнинг қобилияtlари ва эҳтиёжларига кўра таълимни табақалаштириш имкониятлари ҳисобга олинди.

Таълим олувчилар ва битирувчиларни тайёрлаш, таълим фаолияти сифатини баҳолаш мезонлари ва тартибларининг белгиланган меъёрий-коидаларга мослигига эришилди.

Малака талабнинг қулайлиги – унинг бажарилишини назорат қилиш, меъёр ва талабларидан четланишнинг олдини олиш имкониятлари инобатга олинган бўлиб, таълим йўналишининг малака талабини ишлаб чиқиша мухим аҳамият касб этади.

5111000 – Касб таълими (5230900 – Бухгалтерия ҳисоби ва аудит) бакалавриат таълим йўналишига тажрибада текширувдан ўтган таълим ҳамда ишлаб чиқариш амалий фаолиятларининг илфор меъёrlари киритилди.

Малака талабини ишлаб чиқиша мамлакат ижтимоий-иқтисодий тарақиётининг истиқболлари, жамият эҳтиёжи, фан, техника, технология ва маданият ютуқлари, кадрлар тайёрлаш борасида жаҳон тенденцияларидан келиб чиқиб, иқтисодиёт соҳаларининг модернизациялашув шароитида кадрлар истеъмолчиларининг талабларини олий таълим мазмунига тезкор жорий этишига тегишли шароитлар яратилди, олий таълим малака талабларини ҳалқаро амалиётдаги академик стандартлар билан уйғунлаштирилди ҳамда уларни узвийлиги таъминланди.

ТМИ, Касбий таълим кафедраси
мудири, и.ф.н., доцент

Ш.А.Аллаёров



Тошкент молия институти «Касбий таълим» кафедраси профессор-ўқитувчилари ва Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш маркази мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган 5111000 - Касб таълими (5230900 - Бухгалтерия ҳисоби ва аудит) бакалавриат йўналишининг малака талабларига

ТАҚРИЗ

Тошкент молия институтиning «Касбий таълим» кафедраси профессор-ўқитувчилари ва Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш маркази мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган **“5111000 - Касб таълими (5230900 - Бухгалтерия ҳисоби ва аудит)”** бакалавриат йўналишининг малака талаблари кўйидаги бўлимларни: бакалавр йўналишининг умумий таснифи, таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар, йўналиш ўкув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талабларни ўз ичига олган.

Ушбу малака талаблари Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни акс эттириб, бевосита соҳага тегишли юқори сифатли, рақобатбардош кадрлар тайёрлашга қаратилган.

Малака талаблари кўйидаги бўлимларни ўз ичига олган:

- таълим йўналишининг умумий таснифи;
- бакалавриат бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар;
- таълим йўналиши ўкув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар.

Бизнинг фикримизча, Тошкент молия институтиning «Касбий таълим» кафедраси профессор-ўқитувчилари ва Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш маркази мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган **“5111000 - Касб таълими (5230900 - Бухгалтерия ҳисоби ва аудит)”** бакалавриат йўналишининг малака талаблари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 10 июлдаги 199-сонли қарори, 2015 йил 10 январдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 3-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги Ҳайъат кенгашининг 2017 йил 26 апрелдаги 2/3-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли Қарори билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлар Дастури ижросини таъминлаш бўйича Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги Дастури”да белгиланган вазифалар ва олий таълим соҳасини тартибга солувчи бошқа норматив-хуқуқий хужжатларга асосан тайёрланган.

Умуман олганда, Тошкент молия институтиning «Касбий таълим» кафедраси профессор-ўқитувчилари ва Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш маркази мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган **“5111000 - Касб таълими (5230900 - Бухгалтерия ҳисоби ва аудит)”** бакалавриат йўналишининг малака талаблари тасдиқлашга тавсия этилади.

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва
ўрта маҳсус таълим вазирлигининг
Касб-хунар таълими маркази директори**

М.Холмуҳамедов



**Тошкент молия институти “Касбий таълими” кафедраси профессор-ўқитувчилари ва
Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш маркази мутахассислари
томонидан ишлаб чиқилган 5111000 - Касб таълими (5230900 - Бухгалтерия ҳисоби ва
аудит) бакалавриат йўналишининг малака талабларига**

ТАҚРИЗ

Тошкент молия институти “Касбий таълими” кафедраси профессор-ўқитувчилари ва Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш маркази мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган “5111000 - Касб таълими (5230900 - Бухгалтерия ҳисоби ва аудит)” бакалавриат йўналишининг малака талаблари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 10 июлдаги “Ўзбекистон Ҳукуматининг айrim қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 199-сонли қарори, 2015 йил 10 январдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 3-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2015 йил 15 январдаги 12-сонли буйруғи ҳамда Вазирликнинг 2016 йил 11 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2016 йил 5 февралдаги 07/1-73-сонли топшириғи ижроси тўғрисида”ги 66-сонли буйруғи билан тасдиқланган чора-тадбирлар дастуридаги 14-бандининг, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги Ҳайъат кенгашининг 2017 йил 26 апрелдаги 2/3-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли Қарори билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлар Дастури ижросини таъминлаш бўйича Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги Дастури”да белгиланган вазифалар ва олий таълим соҳасини тартибга солувчи бошқа норматив-хуқуқий хужжатларга ҳамда халқаро тажрибаларга асосан тайёрланган.

Ушбу малака талаблари Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни акс эттириб, бевосита соҳага тегишли юқори сифатли, рақобатбардош кадрлар тайёрлашга қаратилган.

Малака талаблари қўйидаги бўлимларни ўз ичига олган:

- Бакалавр йўналишининг умумий таснифи;
- Бакалавр йўналиши бўйича бакалварларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар;
- йўналиш ўкув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар.

Бизнинг фикримизча, Тошкент молия институти “Касбий таълими” кафедраси профессор-ўқитувчилари ва Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш маркази мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган “5111000 - Касб таълими (5230900 - Бухгалтерия ҳисоби ва аудит)” бакалавриат йўналишининг малака талаблари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 10 июлдаги 199-сонли қарори, 2015 йил 10 январдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 3-сон қарорига асосан тайёрланган.

Умуман олганда, Тошкент молия институти “Касбий таълим” кафедраси профессор-ўқитувчилари ва Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш маркази мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган “5111000 - Касб таълими (5230900 - Бухгалтерия ҳисоби ва аудит)” бакалавриат йўналишининг малака талаблари тасдиқлашга тавсия этилади.

**Тошкент Банк коллеки
директори**



А. Махмудов

Тошкент молия институти «Касбий таълим» кафедраси профессор-ўқитувчилари ва Олий ҳамда ўрта маҳсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш маркази мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган 5111000 - Касб таълими (5230900 - Бухгалтерия ҳисоби ва аудит) бакалавриат йўналишининг малака талабларига

ТАҚРИЗ

Тошкент молия институтининг «Касбий таълим» кафедраси профессор-ўқитувчилари ва Олий ҳамда ўрта маҳсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш маркази мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган “5111000 - Касб таълими (5230900 - Бухгалтерия ҳисоби ва аудит)” бакалавриат йўналишининг малака талаблари қуйидаги бўлимларни: бакалавриат йўналишининг умумий таснифи, йўналиш бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар, таълим йўналиш ўкув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар, таълим йўналиш ўкув режасидаги юклама ҳажми, библиографик маълумотлар, ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий турдош олий таълим муассасалари ҳамда кадрлар истеъмолчилари ҳақида маълумотлар берилган.

Малака талабларида бакалавриат йўналишининг умумий таснифи, қўлланиш соҳаси, малака талабларининг асосий фойдаланувчилари, бакалаврлар касбий фаолиятининг таснифи; бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари ва обьектлари, таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари, бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар, таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари, йўналиш ўкув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар, таълим йўналиши ўкув режасидаги юклама ҳажми, библиографик маълумотлар, ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий турдош олий таълим муассасалари ҳамда кадрлар истеъмолчилари ҳақида маълумотлар берилган.

Умуман, Тошкент молия институтининг «Касбий таълим» кафедраси профессор-ўқитувчилари ҳамда Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш маркази мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган “5111000 - Касб таълими (5230900 - Бухгалтерия ҳисоби ва аудит)” бакалавриат йўналишининг малака талаблари тасдиқлашга тавсия этилади.

**ТМИ, Бухгалтерия ҳисоби кафедраси
мунири, и.ф.д., профессор.**

А.А.Каримов

